



- * Биз учун кураш – огоҳлик, фаолият демак
- * Жалолиддин Мангубердининг сўнгги кунлари
- * 223 полвондан чиққан зўр курашчилар
- * Мингдан зиёд аёлни севган “Мажнун”



Элим деб, юртим деб,  ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 24 март Чоршанба.
№ 22 (144213)

**Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ**

**О. О. Шарафиддиновни
«Буюк Хизматлари учун»
ордени билан
мукофотлаш тўғрисида**

Ўзбек маданиятини юксалтиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, маънавий-маърифий ислохотларни амалга оширишдаги фаол иштироки, фидойилиги, янги тафаккурни шакллантириш ҳамда халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш йўлидаги самарали хизматлари учун «Жаҳон адабиёти» журналининг бош муҳаррири Озод Обидович Шарафиддинов «Буюк Хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 22 март.

**БУЮК
МУНАЖЖИМГА
ЭҲТИРОМ**

Мамлакатимизда тарихий меросни асраб-авайлаш, ўзининг беқиёс салоҳияти билан жаҳон илм-фани ва маданиятини ривожлантиришга бебаҳо ҳисса қўшган аждодларимизга юксак эҳтиром кўрсатиш барчамизни мамнун этмоқда. Буюк мунажжим Мирзо Улуғбек ана шундай эъзозга лойиқ буюк зотлардан бири эди.

Улуғбекнинг давлатчилигимизни ривожлантириш борасидаги хизматлари ҳам таҳсинга сазовордир. Ул зот Мовороуннахрни обод улкага, пойтахт Самарқандни «сайқали рўйи замин» шаҳрига айлантиришга катта ҳисса қўшди. Шу боис миннатдор авлодлар беназир олим ва давлат арбоби даҳосига чексиз ҳурмат бажо келтиради.

Улуғ аллома таваллуд кунини муносабати билан Самарқанддаги Мирзо Улуғбек расадхонасида ўтказилган маросимда сўзга чиққанлар ана шу ҳақда гапирдилар. Ҳазратнинг салобат тўкиб турган ҳайқали пойига анвойи гуллар қўйилди.

Маросимда вилоят ҳоқими Э.Рўзиев қатнашди.

**Ҳамза ШУКУРОВ,
ЎЗА мухбири**



Ўзбек соҳибжамоли. Мехри дарёни жиловлайди, қаҳри тоғни қулатади. Илоҳи, барчамизни уларнинг фақат муҳаббатига сазовор этсин!

Инсон умр бўйи мақсад сари интилиб, изланиб яшайди. Бу ҳаракатлар замирида эса шубҳасиз кураш ётади. Ўз қадр-қимматини аңлаган инсон бир зум бўлса-да бепарволикка берилмайди, кураш, ҳаракат, изланишдан чарчадим демайди. Аммо ҳар қандай курашни ҳам эзгуликка алоқадор деб бўлмаганидай, ҳар қандай ҳаракат ҳам фаровонлик келтиради деб бўлмайди. Уларни фарқлашда қандай мезонларга таянамиз? Назаримда бу борада ният биз учун бош мезон бўлиши мумкин. Чунки ният мақсадни юзага чиқаришга ундайди. Чаён билан асалари иккаласи ҳам нишлор бўлса-да, ният ва ҳаётдаги интилиш, мақсадларига кўра бири эзгулик, бири ҳаёт учун хавфли газанда тимсолидир.

Муқаддас ислом динимизга кўра “Ҳеч нарса мўмин кишининг намозини бузишга, намоз давомида ибодатга хос бўлмаган ҳаракат қилишга изн бермайди, фақат бир ҳолатдагина бундан мосуво, агар ибодат қилаётган кишининг жойнамоз атрофида чаёнга кўзи тушиб қолса зиён етказмаслиги учун ўлдиринишга рўхсат берилмайди.” Қарангки, чаён ҳар қандай вазиятда ҳам инсонлар учун хавфли бўлиб, ҳаммаша унга қарши курашмоқ лозим экан.

Афсуски, биз нафақат ибодат пайтида, балки ҳаётимизнинг бошқа лаҳзаларида ҳам ўзлари одам башара бўлсаларда, чаёндай қора мақсадли кишиларни зиёнсизлаштиришда андиша қилдик. Тўғрироғи, асалари каби бол бераётган кишилар орасига анча-мунча чаёнлар ўрнашиб олган экан.

Президентимизнинг “Туркистон-пресс” ахборот агентлиги мухбири саволларига берган жавобларидаги “Таассуфки, баъзан ислом дини ва ислом фундаментализми ҳақида гапирганда бу икки тушунчани бир-бирига аралаштириб юбориш ҳоллари учрамоқда”, деган сўзларини ўқир эканман, хаёлимдан шу сўзлар ўтди.

Йиллар ўтди, баландпарвоз сўзлари билан донг чиқаришга ҳаракат қилиб келган зотлар яшаб қолиш мақсадида демократияни ниқоб қилиб, сохта демократларга айланишди. Энди эса ҳокимият илинжида ақиданарастлар билан ҳамтовок бўлишибди. Уларни буюк

мақсадлар эмас, аламзадалик бирлаштирибди. Негаки вақт ўтган сари улар ўз-ўзидан “поезд”дан тушиб қолишди. Россия Федерацияси Федерация кенгаши раиси Е.Строев айтмоқчи: “Ислом Каримов бутун халқини ортдан эргаштириб кетмоқда. Таъбир жоиз бўлса, бутун бошли эшелонни тортиб кетаётгандай. Айрим давлат раҳбарларичи, ўзлари баландпарвоз гаплар билан олдинга тушганча кетиб бўлди, аммо вагонлари бутун муаммолари билан ортда қолиб кетди”.

Дарҳақиқат, ажлодаримиз, халқимиз орзу-умиди мамлакат мустақилликка эришгандан сўнг шу қадар тез рўёбга

мотам тутди. Шундай кунда ҳамдард бўлолмаган одамнинг ўзбекман дейишга ҳаққи борми?

Бундай кунда жиноятни содир этганлар ким, Ўзбекистонга туҳмат ёдирётганлар ким? Синчиклаб разм солган кишига иккисининг ҳам бир гўр эканлиги аён бўлади. Кўр кўрни қоронғуда топибди, деганларидек, бу ҳол бири қилган жиноятни иккинчиси хас-пўшлаётганидан дарак бермайдими? Халқимиз бундайларга қарата ўз сўзини айтмоқда: Оқ ит, қора ит—барибир ит!

Ўтган йиллар нафақат мамлакатимиз чиройи, турмуш тарзимизда, балки онгимиз, тафаккуримизда ҳам жуда

ли давлатдан кучли жамиятга ўтиш бугун бош мақсадимизга айланди.

Аммо эркинлик билан интизомсизликни фарқлай билиш лозим экан. Эркинлик ва интизомсизликнинг бир-бирига қарама-қарши, зид тушунчалар эканлигини бугун айрим ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг фаолият доирасида кўриб турибмиз. Биз учун эркинлик фақат қонун измида яшаб, қонун йўл кўйган доирада фаолият олиб бора билиш ҳуқуқидир. Фақат нодонларгина бебошликни эркинлик деб қабул қилишлари мумкин.

Бугун айрим юртбузуқилар жазодан қочмоқчи бўлиб талвасага тушиб юришибди. Аммо доно халқимизда бир гап бор: “жазодан кўра жиноят шармандаликдур”. Аслида халқ уларни олқишламаётгани, уларга қулоқ солмаётганидан уларнинг ўз халқини кўрарга кўзлари йўқ. Негаки, халқ уларнинг йўлига юрмади, халқ ўзига тўғри йўл ва адолатли йўлбошчи танлади. Йўлбошчиликни ҳамма ҳам орзу қилиши мумкин, лекин ҳамма ҳам йўлбошчи бўлмайди. Давр уларни эмас, давр Ислом Каримовни танлади.

Сўзимизнинг аввалида айтганимиздек, қабиҳ ниятли кишилар ҳаммаша эзгуликдан ниқоб ва қурол ўрнида фойдаланмоқчи бўладилар. Ҳаммамиз биламиз, дунёда гул қандай покиза, гўзал неъмат, муҳаббат, садоқат, ҳурмат тимсоли, аммо анча йиллар илгари Ҳиндистон раҳбари Раджив Гандига суиқасд уюштирганлар портловчи моддаларни гулдаста ичига жойлаб, унга тутган эдилар. Бу ёвуз кучлар эса гулдан-да азизроқ Оллоҳ инсоният учун раво кўрган покиза диндан қурол ўрнида фойдалансалар, бу ўтакетган тубаниликдан, кўнгилнинг нақадар қоралигидан далолат бермайдими? Бундай жиноятларни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайдику, худодан кўрқмайдиларми? Бу борада ҳам Президентимиз халқимиз, бутун мусулмонлар дилидаги сўзларни айтибдилар: “Биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз. Шу билан бирга, муқаддас динимиз шаънига доғ туширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон муроса қилолмаймиз”. Ҳа, бу муқаддас динининг софлигини ҳимоя қилаётган халқимизнинг азму қароридир.

Минҳожиддин МИРЗО

БИЗ УЧУН КУРАШ — ОҒОҲЛИК, ФАОЛИЯТ ДЕМАК

чиқа бошладики, натижада ўзларини “дохий” санаб юрганлар, аллақачонлар фақат қуруқ инкордан иборат баландпарвоз сўзлари билан Президент Ислом Каримов бошчилигида халқимиз амалга ошираётган улкан бунёдкорлик ишлари соясида қолиб кетишди.

Ниқобни умр бўйи кийиб юриш мушкул иш, барибир бир кун ечишга тўғри келади. Шундай бўлди, ниқобларини узоқ вақт кийиб юришга тоқат қилолмаганларнинг 16 февраль кунги воқеалар туфайли ниқоби ҳам, мақсади ҳам фош бўлди.

Февраль воқеаларининг дастлабки кунлари сохта демократлардан бири хориз радиосидан Ўзбекистонга бўҳтон ёғдирганда, кўнглимдан шундай гаплар ўтганди: *Ўзбекистон беғуноҳ кетган азиз фуқаролари учун мотам тутган кунларда, бутун дунё ҳамдардлик билдириш билан бирга Президентимиз иродаси, мардлиги, одил сиёсатини, дошимандлигини яна бир бор эътироф этган чоғларда, ҳатто биз билган-билмаган кишилар ҳам Ўзбекистон раҳбари, халқига мактуб йўллаб, ўз ҳамдардлигини билдирган кезларда, шу нарса уларнинг хаёлига келдимикин? Ўзбекда битта одам тобутини бутун эл кўтаради. Қабристонга етгунча қўлма-қўл бўлади. Бировнинг вафот қилгани ҳақида эшитса, дарҳол юзига фотиҳа тортиб, “худо раҳмат қилсин” дейди. Бутун ўзбек*

катта ўзгаришлар ясади. Халқимиз бугуннинг кечадан афзаллигини яхши билади. Ва эртанинг бугундан яхши бўлишига катта ишонч ва умид билан қарайди. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Бу ободлик, фаровонлик Президент бошчилигида халқ кучи, ҳаракати, иродаси билан бунёд бўлди, юзага келди. Шу боис ҳам энди ободликни, қолаверса, шахсий фаровонлигини ҳам биров эмас, балки ўзи баҳамжиҳат яратиши лозимлигини яхши билади.

Баъзи бир “пурнафаслар” гарчи ҳар соҳада Ўзбекистондан кир қидиришга устаси фаранг бўлсаларда, тобора қийинчиликларга учрашаётгани аниқ. Негаки, камчиликлар йилдан-йилга бартараф этилмоқда. Юртда ривожланиш, ўсиш, тараққиёт бор.

Баъзи бир “шов-шув гапларга ўч “чаққон” журналистлар” тарқатаётган ёлғон хабарлар билан воқелик ўртасида катта фарқ бор. Камчиликлар, муаммолар мавжуд. Керак бўлса, бу борада нафақат оммавий ахборот воситалари, балки Президентнинг ўзи ҳам бу камчиликларни рўйи-рост очиб ташламоқда. Биз камчиликларни яширишни эмас, аксинча, уларни аниқлаб, бартараф этишни мақсад қилганмиз. Жамиятда адолатнинг қарор топиши, қонун устуворлиги, ҳуқуқий маданият, бир сўз билан айтганда, куч-

ЎН БЕШ ЁШЛИ ЧЕМПИОН

Спорт юлдузлари

Битта ўғил кўпинча ўзбек хонадонларида асраб-авайланади. Чунки у эртага шу оиланинг давомчиси ҳисобланади.

Икки қиз орасида ўсган Шерзод эса бошқалардан фарқли ўсди. 4 ёшдан кўчадан “калтакланиб” келди. Онаси Саида опа вой, деса, отаси Илҳом ака яхши деди. Чунки Шерзод битта ўғил, оиланинг шаънини, гурурини кўтаради.

Шу-шу бўлди-ю, Шерзод ёшлигиданоқ Қарши шаҳридаги спорт мактабининг энг ёш, энг тиришқоқ каратэчисига айланди. Кейинчалик эса...

1998 йил декабрида Венгрияда каратэ бўйича ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Жаҳон кубоги мусобақа-сида чемпион Шерзод Ибрагимов шарафига мустақил дийримиз байроғи ҳилпиради. Бундан бир йил муқаддам эса Лондон шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида 13 ёшли ҳамюртимиз кўлга киритган

олтин медаль сабаб ўзбекистон номини олиб бир мамлакатда фахр билан тилга олинганди. Биз шундай маълумотларни ўқиб, ҳайратга тушдик. Чунки 14 ёшида тахтга ўтирган Бобур Мирзони, 6 ёшида ғазал битган Навоийни, балоғат ёшига етмай дунёни титратган Амир Темурни биз тарихга муҳрлаб бўлгандик.

Ўзбекистон каратэчилар миллий жамоасининг аъзоси Шерзод билан Тошкентда учрашдик. Келаси ўйинлар учун тайёргарлик кўраётган экан.

-- Спортнинг бу тури



билан кўпчилик тенгдошларингиз қизиқади. Улар нимага кўпроқ эътибор қаратиши зарур.

-- Тинимсиз машғулот ва ирода зарур. Каратэчи жангга киришидан олдин мён ҳеч қачон мағлуб бўлмайман, усулларим бошқаларникига ўхшамайди, дейиши керак.

-- Чет эллик спортчиларга ҳавас қилганмисиз?

-- Ҳеч қачон. Улар кўпроқ бизнинг кимлигимизга қизиқишади. Мана яқиндаги Жаҳон кубогида ҳам 24 ўсмир бориб, 11 та медаль билан қайтдик-ку, 40 дан ортки мамлакатлардан келган жамоалар қатнашганди. Ўзбекистон жамоа катаси бўйича “Жаҳон кубоги”ни кўлга киритди.

-- Бунинг учун кимдан кўпроқ розисиз?

-- Биринчи ўринда устозларимдан, Нурхон ака

Нафасовдан.

-- Фалабага эришгандан кейин биринчи нима ни ўйладингиз?

-- Қаршига кетишни.

-- 15 ёшли чемпионга мактабда ўқиш оғирлик қилмаптими?

-- Спорт деб ўқишни ташлаб қўймаганман.

P.S. Эшитишимизча, 1984 йилда туғилган Шерзод Ибрагимов аъло ютуқлари учун 1997 йил 8-сентябрдан бир йўла Қарши шаҳридаги 1-гимназия мактабининг 11-синфига қабул қилинган.

-- Яқин кунларда мустақил ҳаётга қадам кўясиз...

-- Олий милиция мактабига кириш ниятим бор. Ватанимни сидқидилдан ҳар қандай ғаразли кучлардан постимда туриб асрайман.

Л.КАРИМОВА,

“Туркистон” мухбири

Таълим тўғрисидаги Қонун ҳамда республикада Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида кўрсатилган асосий вазифалардан бири юқори малакали билимдон мутахассис кадрларни тайёрлашдир.

Бир неча йилдан буён республика олий ўқув юртларига танлов асосида талабалар қабул қилишда синов ва имтиҳонларнинг тест усулидан фойдаланиш йўлга қўйилди. Сир эмаски, тест усули жорий қилингунга қадар баъзи ўқув юртларида бир қатор мутахассислар буйича одатдаги, анъанавий имтиҳон асосида қабул қилинадиган абитуриентлар рўйхати имтиҳон кунига тайёр ва ҳатто маълум бўлар эди. Бундай адолатсизлик иқтидорли ёшлар кайфиятига салбий таъсир қилар ва уларни танлаб олишда жиддий қийинчиликлар туғдирарди. Юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини янада оширишнинг жиддий масъулиятини ўз вақтида чуқур ҳис қилган ҳолда давлатимиз раҳбарияти ва Президентимиз ташаббуси билан 1993-1994 ўқув йилидан бошлаб абитуриентларни қабул қилишда тест усулидан фойдаланиш ҳақида қарор қабул қилинди. Дастлаб, бу усулнинг республикада учун янгилиги ва бу соҳада етарли тажрибанинг йўқлиги туфайли, бир қатор қийинчиликлар туғилиб, ҳатто айрим жойларда салбий ҳолатлар, хатти-ҳаракатлар кузатилди.

Лекин кейинги йилларда аввал йўл қўйилган хато ва камчиликлар, нохуш ҳолатларга чек қўйиш билан бир қаторда, бу соҳада кўплаб ижобий, диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Ана шундай салмоқли ишлардан бири давлат Тест маркази томонидан ҳар бир ўқув предмети буйича тестлар базасининг (ҳозирги кунда уларнинг сони 60 мингдан ортиқ) яратилганлиги бўлди. Базани яратиш ишига республикамизнинг етакчи олимлари, тажрибали педагоглар жалб этилиб, улар ёрдамида тайёрланган тест материаллари 1996-1999 йилларда давлат Тест марказининг "Ахборотнома"ларида чоп этилди. Марказ томонидан эълон қилинган бу материаллар ҳозирги кунда абитуриентлар учун синовларга тайёрланишда асосий қўлланмалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, олий ўқув юртларида абитуриентлар гуруҳларини тузиш ҳам компьютерлар учун яратилган махсус дастур асосида амалга оширилдики, бу ҳол кириш имтиҳонларини ишонарли, ҳаққоний утказилишини таъминлайди.

Марказдаги компьютер учун тузилган дастурлар ёрдамида 1997-1998 йиллари олий ўқув юртларига фанлар буйича тавсия этилган тест вариантлари атрофлича таҳлил этилди; уларнинг энгиллик ва огирлик (мураккаблик) даражалари илмий жиҳатдан муайян мезонлар асосида аниқланди ва шу йўл билан эндиликда қўлланиладиган намунавий вариантлар учун замин тайёрланди. Шунингдек, ҳар йили кўп вариантли тест синовларининг республика вилоятлари, шаҳар ва туманлари мактаблари буйича натижалари таҳлил қилиниб, абитуриентларнинг билим савияларини аниқлаш ва уларни таққослаш имкониятини берадиган катта ҳажмдаги қимматли материаллар тайёрланди ва матбуотда эълон қилинди. ЮНЕСКОнинг таклифига биноан эса

бу материалларнинг хорижий тиллардаги вариантлари тайёрланмоқда.

Олий ўқув юртларидаги қабулнинг тест усули ҳақида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида бу усулнинг ютуқлари, унинг ҳозирги кунда ягона адолат мезони эканлиги ва шу билан бирга кам-

нинг аксарияти ўзлаштирмаганликлари сабабли талабалар сафидан четлаштирилаётган эмиш. Бу маълумотлар қайси олий ўқув юртидан олинган? Шу мақсадда биз республикамизнинг бир неча олий ўқув юртларидан, жумладан Тошкент Аграр университетидан маълумотлар сўрадик. Олинган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, талабаликдан чиқазилган шахслар бошқа сабабларга кўра ўқишдан четлаштирилган. Ўзлаштирмаган талабалар эса киришда паст балл билан қабул қилинган экан.

Фикрлар хилма-хиллиги жуда зарур. Лекин асоссиз фикрлар, даъволар кишиларни чалғитади.

Биз олий ўқув юртларидан "Умид" жамғармаси буйича чет элга ўқишга юборилган талабалар ҳақида маълумот сўрадик. Кутилганидек бу талабаларнинг ҳаммаси кириш имтиҳонларидан юқори балл билан қабул қилинганлиги аниқланди. Улар ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида "аъло" баҳога ўқишмоқда. Таҳлиллар ва текширишлар шуни кўрсатдики, олий ўқув юртларида юқори балл билан қабул қилинган талабаларнинг 87-95 фоизи фақат "тўрт" ва "беш" баҳога ўқишмоқда. Бу бизнинг таълим тизимидаги ютуғимиз эмасми?

Тест усулига ишонсизлик билан қарайдиган одамлар айтсин: ҳозирги кунда бу усулга муқобил бўлган усул борми? Агар биз қабулни эскича ташкил этганимизда қандай ҳолатга тушар эдик? Ҳўш, тест усули бизга нима берди? Бизга тест усули таълим тизимида ҳаққонийликни қайтиб берди. Билимдон ўқитувчиларнинг ҳурмати ошди. Энг муҳими ва асосийси, билимдон одам учун ўқишга кириш кафолати яратилди. Ҳозирги кунда

академик лицейлар ва олий ўқув юртлари қошидаги лицейларда юқори билимли ўқувчилар тайёрланмоқда ва уларнинг 80-95 фоизи талабалikka қабул қилинмоқда.

Албатта, тестнинг камчиликлари тўлғазиб борилаверади, у мазмун ва миқдор жиҳатидан мукамаллашади. Биз бунинг учун ўзимиздаги бор тажрибадан, шунингдек, тест усулини асосий мезон сифатида қабул қилган жаҳоннинг ривожланган АҚШ, Англия, Германия, Италия, Франция, Япония ва Туркия каби мамлакатлари тажрибасидан фойдаланамиз.

Биз, олимларнинг мақсадимиз кимларгадир тест синовларининг афзалликларини ўқтириш, тарғиб қилиш эмас. Унинг афзалликларини халқимизнинг ўзи эътироф этиб турибди. Бирон-бир асосга эга бўлмаган янгиликни халқ маъқулламайди. Халқ маъқуллаган ҳар бир янгилик эса боқийдир. Бизнингча ҳам ҳозирги кунда таълим тизимига, ҳаётимизга кенг равишда кириб келиб, мавқеи мустаҳкамланиб бораётган тест усули бундан буён ҳам ҳалол хизмат қилади.

Баъзан тест инсонни чегаралаб қўяди, мавжуд имкониятларнинг тўлиқ юзага чиқишига тўсқинлик қилади, деган мулоҳазалар ҳам учраб туради. Ҳозирги кунда халқ томонидан адолат мезони сифатида қабул қилинган тест усулига ижодий ёндошилса ва келгусида ҳам у муттасил ижодий ривожлантирилса, бу усул таълим соҳасида улкан муваффақиятлар гарови бўлиши мумкин. Зеро, Президентимиз ўқтириб ўтганидек, ўқув-таълим тизимида адолат бўлмас экан, биз буюк давлат кура олмаймиз.

Ҳасан ЭШМАТОВ,
техника фанлари
доктори, профессор

ТЕСТ ҲАҚИҚИЙ ТЕСТМИ?



чиликлари ҳақида ҳаққоний гаплар айтилмоқда. Фикрлар хилма-хиллиги эса давлат Тест маркази жамоасининг ишларини тўғри белгилашда катта ёрдам беради. Лекин шунга қарамасдан кейинги йилларда тест усулининг адолат мезони эканлигига шубҳа билан қарайдиган кишилар борлиги одамни ажаблантиради. Бундай кишилар гўёки тест саволлари "калити" Тест марказидан олинган, деган фикрни тарқатмоқдалар. Тест саволларининг ҳаммаси давлат Тест марказининг "Ахборотнома"ларида, очик матбуотда чоп этилаётганида уларнинг "калити" тўғрисидаги юқоридаги даъво кулгилдир.

Қилинган иккинчи эътирозга эътибор беринг: олий ўқув юртларига юқори балл билан қабул қилинаётган талабалар-

НУРОТАНИНГ ЗУККОЛАРИ

Нурота туманида Аёллар йилига бағишланган "Аёл билан олам мунаввар" кўрик танлови бўлди. "Камолот" жамғармаси туман бўлими ташаббуси билан ўтказилган тадбирда зукко ёшлар иштирок этди. Улар аёллик нафосати-ю, бекалик назокати борасида узаро беллашдилар.

Қизиқарли ўтган тадбирда муаллима Феруза Худойкулова голиблик шохсупасига кўтарилди. Моҳир тикувчи Гулбаҳор Хайитова ва шифокор Адолат Рустамовалар эса иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашди.

"Туманининг энг яхши аёллари"га ҳомий-туман йўл бошқармаси ва «Камолот»чилар қимматбаҳо совғалар улашди.

Ўз мухбиримиз

"Камолот" янгиликлари

«ТИКО» ЛИ БЎЛИШДИ

Ёшлар учун "Камолот" жамғармасининг Сурхондарё вилоят бўлими пул-буом лотореялари чиқараётир. "Камолот" — оила учун" деб номланган лотореяни сотиб олган унлаб кишилар айниқса хурсанд бўлишди. Шўрчилик Холмурод Хушбоқов билан жарқургонлик Насрулла Бердиев "Тико" энгил автомобили ютди. Термизлик Турсунгулат Хушназаровнинг бахтли лотореясига эса кучма дукон насиб этди.

«ТҮЙ ЛИБОСЛАРИ»

"Маҳалла", "Соғлом авлод учун", "Камолот" жамғармаларининг вилоят бўлимлари ташаббуси билан "Тўй либослари" танлови ўтказилди. Унда Термиз шаҳри ҳамда Жарқўрғон тумани вакиллари тайёрлаган тўй либослари юқори баҳоланди.

Ғолибларга "Камолот" жамғармаси вилоят бўлими ва бошқа мутасаддиларнинг совғалари топширилди.

Жовли ХУШБОҚОВ,
"Туркистон" мухбири

Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим!
Оила бахти мўътабар аёлларимиз шарофатидандир.

Маълумки, инсон фарзанди илк турмуш сабогини олий даргоҳ, яъни, ўз оиласида олади. Шу маънода Президентимиз томонидан 1999 йил Аёллар йили деб эълон қилинди.

Аллоҳ таоло оиланинг муқаддаслиги, унинг нақадар улуғлиги ҳақида Куръони Каримда шундай баён қилади: «*Ўз жинсларингиздан Сизлар учун жуфти ҳалоллар яратиб берди, токи улар билан ҳаловатли турмуш қургайсизлар. Урталарингизда меҳр-муҳаббат туйғусини пайдо қилди. Бу эса Аллоҳнинг биру борлигининг нишонларидандир. Ақл-идрокли фикр юритувчилар учун бунда кўп ишорат ва аломатлар бордир*». («Рум»-21)

Инсон ўз ҳаёти мобайнида оила куради, фарзанд кўради ва шу тариқа ўз наслини сақлайди. Ислом дини ақидасида ҳали бола дунёга келмай туриб унинг келажаги тўғрисида қайғуришга буюрилади. Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир Ҳадиси шарифда айтадиларки:

“Аёл диёнатни ёки молу дунёси ёхуд ҳусну жамоли учун никоҳ қилинади. Сен диёнатлисини танлагин барака топгур!”

Бундан мурод, уйланиш ниятидаги киши ўзига жуфти ҳалол танлаш вақтида, қиз (аёл)нинг фақат ҳуснига ёки бойлигига алданиб қолмасин, балки ҳулқу одобни, дину диёнатига ҳам албатта аҳамият бериши лозимлиги таъкидланган. Чунки, қизнинг ота-онаси бойлигига қизиқиб уйланиб, сўнг миннат балосига гирифторм бўлганлар ёки ҳусну жамолига маҳлиё бўлиб, бунинг орқасидан бир қанча фитна-фасодларга дучор бўлганлар оз бўлсада учраб туради.

Мазкур уч хислат, яъни молу дунёси, ҳусну жамоли, унинг устига ахлоқ одобни ва диёнатни ҳам зиёда бўлган қизларимиз ҳаётимизда йўқ эмас. Шу боис динимизда ахлоқ-одобни, оқила, шарму-ҳаёли, аёллик ифпати нафосатига эга бўлган жуфти ҳалол танлашликка буюрилади.

Зеро, бўлгуси рўзгор соҳибаси ва ўз фарзандларининг суюкли, меҳрибон онаси бўлмиш учун бунда албатта оилада мураббий, яъни ота-оналарнинг вазибалари беқийсдир.

Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир Ҳадиси шарифларида айтадиларки: **“Кимки уйланса ўз диёнатининг ярмини мустаҳкамлаган бўлади ва қолган ярмини ўзи эҳтиёт қилсин”**.

Бошқа бир Ҳадисда эса:

“Кимнинг

учта қизи бўлса, тарбиясини яхши қилса, Аллоҳ таоло уни қиёмат кунини жаннатга киритади”, - дедилар. Шунда бир киши туриб: “Иккита қизи бўлса-чи, Эй Аллоҳнинг Расули?” - деб сўради.

“Иккита қизи бўлса ҳам” - деб айтдилар. Он ҳазратларидан: “Битта бўлса-чи?” деб сўради иккинчи киши. “Битта қизи бўлса ҳам”, - деб жавоб бердилар Пайгамбар Муҳаммад алайҳиссалом.

Бундан кўриниб турибдики, Ислом динида қиз фарзанднинг туғилиб дунёга келиши барака бўлади ва у оилага хурсандчилик олиб келади, деган гоё илгарии сурилади.

Ислом дини аёл кишини -- бокира қиз, опа-сингил, умр йўлдош ва мўътабар она сифатида эъзозлайди. Диёримизда таваллуд топиб, ўзларининг ахлоқ-одоблари билан барчага намуна бўлган фозила, олима, шоира ва давлат раҳбарлигига кўтарилган аёлларимиз: Зебунисо, Увайсий, Маҳзуна, Анбар отин, Нодирабегим каби момоларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир Ҳадиси шарифларида айтадиларки: **“Ҳеч бир ота ўз фарзандига яхши тарбия бериш ва одоб ўргатишдан ортиқ ҳада қилолмайди”**.

Иккинчи ҳадисда эса: **“Фарзандларингизни ҳурматланглар ва уларнинг одобини гўзал қилинглар”**, - деганлар. Албатта бунда ҳар бир ота-она ахлоқий фазилатларини аввало ўзларида мужассам этишлари билан бошқаларга ва фарзандларига намуна бўлмоқлари керак. Акс ҳолда фарзандларидан кутаётган хайрли ишларининг тескариси бўлиши мумкин.

Ёшлик бу ажойиб бир даврдир. Уни эҳтиёт қилиш, йигит-қизлар ўз ум-

икки йил ичидадир. Менга ва ота-онага шукр қилгин...” (“Луқмон,” 14)

Юқоридаги оятда “Биз инсонга ота-онаси ҳақида тавсия қилдик...”, дейишидан биламизки, бу ердаги тавсия сўзи кўпчилик тушунганидек, ихтиёрий иш эмас. Балки Аллоҳ талонининг амридир. Чунки, бу оят давомида ота-она ҳурмати жойига қўйиш сабаблари ҳам баён қилиниб берилган. Яъни, она ҳомиладорлик вақтидан то фарзанд дунёга келгунга қадар бир қанча машаққатларни бошидан кечиради. Шунинг учун ҳам фарзандда отадан ҳам онанинг ҳаққи кўпроқ бўлади.

“Аҳқоф” сурасида эса: “Биз инсонни ота-оналарига яхшилик қилишга буюрдик. Зеро, она унга ҳомиладорлик даврида ва таваллуд топишда кўп машаққат чеккандир”. (“Аҳқоф,” 15)

Ривоятда айтилишича, бир киши елкасида онасини кўтариб олиб Каъбани тавоф қилди-рар эди. Тавофдан тўхтагач, Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан, онамининг ҳаққини адо қилдимми, деб сўради.

-- Йўқ, бу ишининг онанинг қийналган бир ҳолига ҳам тўғри келмайди, - дедилар.

Бошқа бир Ҳадисда айтиладики: **“Қайси бир мусулмон ота-онасини ҳар кунини зиёрат қилиб турса, Аллоҳ таоло унга жаннат эшикларидан иккитасини очиб қўяр. Агар улардан бири барҳаёт бўлиб, уни зиёрат қилиб турган бўлса, бир эшик очиб қўйилади. Агар уларнинг биронтасини норози қилса, Аллоҳ таоло ҳам ундан норози бўлур. Ҳатто, ота-она фарзандига зулм қилган ҳолда ҳам уларни розилигини топмоқ зарур”**. Бу билан, жамиятнинг ажралмас қисми бўлган оилани мустаҳкамлаш, ҳар бир фарзанднинг ота-оналарига ғамхўр бўлишлари ниҳоят даражада аҳамиятли эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари

АЁЛ ДУНЁНИ ТЕБРАТЛАР

1999 йил
Аёллар йили

Иқтидорлилар — юрт бахти



Гўзал Хўжаева Тошкент Давлат университетининг биология-тупроқшунослик факультетининг 3-курсида таҳсил олмақда. Ўзининг алоҳида иқтидори учун Улуғбек номидаги давлат стипендияси ҳамда Япония томонидан ажратилган стипендия совриндори бўлган. Гўзал шу кунларда “Эфимер ўсимликларнинг биологик ҳамда

физиологик хусусиятлари” мавзуида илмий иш олиб бормоқда.

Ёшлигидан тиришқоқ, бирор янгилик яратишга иштиёқи баланд Гўзалда ҳали тўла ўрганилмаган

мавзу бўйича илмий изла-ниш олиб бориш истаги туғилди. Бунинг экология кафедраси мудираси, биология фанлари доктори Тўраҳон Раҳимовага айтганида, опа унинг эфимер ўсимликлар устида ишлаш ҳақидаги фикрини қўллаб-қувватлади.

Эфимер ўсимликлар ҳозирча яхши ўрганилмаган

ни учун Гўзалга адабиётлар, манбалар топиш бироз мушкул бўлди. Лекин тинмай изланишлар, илмий раҳбарнинг йўл-йўриқлари

каби саволларга шундай жавоб қайтарди:

-- Ўзбекистон қурғоқчилик худудида жойлашган. Шунинг учун ўсимликлар-

ўз самарасини берди. Гўзал ўсимликлар тўғрисида анчагина маълумот тўплади. Бунда унга, айниқса, рус ва инглиз тилларини билиши қўл келди.

Савол туғилади: нега Гўзал айнан эфимер ўсимликлар устида иш олиб бормоқда? Ушбу ўсимликларни ўрганиш жамиятимизга нима беради? У бу

ни бундай шароитга мослашиш йўллари ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Эфимерлар нафақат қурғоқчиликка чидамли, балки доривор, озуқабоп, ем-хашак ва ҳар хил фойдали хусусиятларга эга ўсимликлардир.

Гўзал бундай ўсимликларни биологик ҳамда физиологик жиҳатдан ўрга-

нишда университетнинг табиий ботаника боғида тажриба олиб борди. У бу ерда ҳар бир ўсимликнинг сув захираси, уни ўзида сақлаш хусусияти, намни тортиб олиш кучини ўрганди.

Устоз учун шогирд муваффақиятидан ҳам аълоқроқ туҳфа бўлмаса керак. Гўзалнинг ўз мақсади йўлида илдам интилиши, эришаётган натижасидан илмий раҳбари хурсанд.

Гўзал доимо ҳаракатда, тиниб-тинчимайди. Бе-парволик унга ёт. Барча қизлар каби роман ўқишни хуш кўради. Фалсафий фильмлар, маъноли куй-қўшиқлар унинг жону дили. Шахсий кутубхонасига эга бўлиш ҳаракатида. Келажақда илм йўлида қатта ютуқларга эришиш орзусида,

У. ЙЎЛДОШЕВ

«Аёл қалби» танловига

-- Менга қолса албатта ўқини давом эттирдим, лекин уйимиздагилар...
 Қиз ниманидир очик айтолмас, илк бор учрашиб турганимиз учунми, мендан истиҳола қилаётгандек эди.
 -- Улар сизни узатишмоқ-чими? - дедим.
 Дабдурустан бу саволни берганим унга сал малол келди. Менга ошкора норозилик билан қараб қўйди. (Балоғат ёшидаги қизлар кўнгли нақадар нозик бўлишини унутибман!). Узуримни билдирмоқ бўлиб овозимга дўстона тус бердим: -- Қани ҳаммасини бир бошдан айтиб беринг-чи?!
 Шу гапим қизга маъқул келди.

ОЧГИЛ, ИККИ ДУНЁ ЭШИКЛАРИНИ...

(Гулҳаё билан суҳбатдан сўнг)

ГУЛҲАЁНИНГ СУҲБАТИ. "Дадам -- савдо ходими. Аям бир пайтлар мактаб кутубхонасида ишларди. Кейинчалик ишдан бўшаб, дадамнинг ёнига ўтиб савдо-сотик қиладиган бўлди. Иккови ҳам нукул: "Илми кўп одамдан кўра пули кўп одам дурустроқ яшайди!" деганлари-деган. Биз оилада уч қизмизу, аммо феъл-атворимиз бошқа-бошқа. Назокат опам бундан беш йилча аввал бадавлат хонадонга келин бўлган, дангиллама уйи, иккита машиналари бор. Дадамнинг ҳам, аямнинг ҳам шу опамдан кўнглиллари тўқ. Сабоҳат опам эса кўшни маҳалладаги бир йигитни яхши кўриб, шунга тегди.

Хаммаси шу опамнинг тўйидан сўнг бошланди. Почамнинг илмий иши чўзилгандан чўзилди, опам келинлик сарпосини бирма-бир сотиб, унга "кумак" берарди. Шу орада кетма-кет фарзанд кўришиб, рўзгордан анча қийналиб қолишди. Дадам эса бундан хуноб бўлар, "Шу қизим биз айтган кишига тегмасдан, ўз бошига кулфатни сотиб олди" дерди. Опам бир куни аямга "Менинг оғирлигим сизларга тушмасин. Кувёнингиз ўша бойваччалардан анча баланд туради!" деди.

Ўтган йили укамни уйлантирдик. Тўйининг бошида турган "бойвачча" поччам укамга яп-янги машинасини совға қилди. Никоҳ кунда-чи? "Жаннат" зиёфатлар, видеолар. Ресторанда минг киши учун ясалган стол... Тўй куни аспирант поччам "Тавба, бунча дабдабанинг нима кераги бор экан-а?" деди-ю, нақ балага қолди. Қариндошларимиз бу гапни эшитиб бир-бирларига: "ўзюки дурустроқ тўёна қилолмагани оздай, яна ақл ўргатганини қаранг-а!" деб кулишди. Шунда мен жуда хафа бўлиб кетдим. Биласизми, очигини айтсам, шу поччамникига борсам, роса яйрайман. Поччамнинг маҳаллада-гилар иззатлаб "Мулла йигит" деб қақришади. Уларнинг турмушига ҳавас қиламан. "Бойвачча" опамникига борсам, негадир зерика-вераман. Уйлари худди музейга ўхшайди. Қаёққа қараманг, ялт-юлт. "Шунча бойлигиниз бор, бит-таям китобингиз йўқ" деб ҳазил қилсам, опам "Китоб ўқимоққа вақт қани?" дейди. Жиянларим эрталабдан кечгача видеонинг ёнидан жилмайди, ўқишга ҳушлари йўқ. Опам мактаб муаллимларига

"совға" ташиш билан овора. Поччам билан икковининг суҳбатлари нукул бир жойдан чиқади: бозор, доллар, фойда кўриш...

Ўзим ҳақимда гапирай. Мактабни имтиёзли битирганман. Лекин, биринчи йили ўқишга киролмадим. Кейинги йилда дадам юбормадилар. "Қиз боланинг ўқини шарт эмас, нима бизга шаҳар олиб берармидинг" дедилар. Аямнинг фикру зикри мени бадавлат хонадонга узатиш, "Кичик опангга ўхшаб бахтсиз бўлмагин" дейди. (Шу опамни қанчалар бахтли эканини фақат менгина ҳис этаман.) Мен икки опамдан бошқачароқ ўсдим, ота-она сўзи гўё мен учун қонун. Ҳеч уларнинг измидан чиқмаганман. Шу журъатсизлигимдан гоҳо ўкинаман. "Менга бойликнинг кераги йўқ! Ўзимга қўйиб беринглар, ўқини истайман!" деган биргина сўзни уларга айтолмайман. Мен ҳам аспирант поччамга ўхшаб илм кетидан боришни хоҳлайман. Сўнгра оддийгина хонадонда ўсиб-улгайган, билимдон йигитни учратсаму, тақдиримни ўша билан боғласам, дейман. Ҳозирча, бу бир орзу холос...

СУҲБАТДАН СЎНГИ МУЛОҲАЗА. Гулҳаёга ўқиш қизлар жуда кўп. "Илм бойликдан афзал" деган шувладор туйғу бундай қизларнинг кўнгли осмонни ёритиб туради. Афсуски, "бойлик илмдан афзал" дегувчилар ҳам кўп. Улар дунёда пулдан-да қимматроқ, бойликдан-да гўзал нарсалар борлигини билишмайди. Илм мўъжизаси-дан, илмлилик завқу шавқидан бебаҳра яшади. Пайғамбаримиз ўғитларидан бирида шундай дейилган: "Бу дунёнинг роҳатини сураман десанг, тижорат қил. У дунёда роҳат қиламан десанг, ибодат қил. Икки дунё саодатига эришаман десанг, илм эгалла!"

"Фарзандимиз пул топишининг йўллари билса бас, бахтли яшайди" сингари фикрлар кўпчиликнинг онгига синиб кетган. Янги жамиятнинг нуқта-назаридан қаралса шу фикрда бироз хатолик бор. Негаки, бозор илмини пухта билмаган тижоратчи келгусида албатта янгилади. Савдо кишиси савдо-сотик маданиятини, илмини чуқур билимоғи шарт. Бугун иқтисодий салоҳияти бор кишигина чин маънода бадавлат бўла олади. Қуръони каримнинг 295 ояти иқтисодий тафаккурга бағишланган. Унда бой бўлиш билан бирга тўғри яшаининг муҳим шартлари кўрсатиб берилган. Қадимгилар турли илмларни эгаллашни маънавий камолотга эришишининг йўли деб тушунишган. Ҳатто шохлар ҳам илми кишиларни эъзозлаб, уларни саройга тез-тез чорлаб турганлар. Шу ўринда Абу Райҳон Беруний ҳаётидан бир маълумот келтирилади. Хоразмиёх ниманидир сурамоқ бўлиб Берунийга чопар юборганида, олим негадир кечикиброқ қолади. Шунда Хоразмиёхнинг ўзи Берунийнинг уйига боради. Шохнинг отдан тушаётганини кўрган Беруний хижолат тортиб "Уэр, шохим. Мен шошиб саройга йўл олаётгандим" дейди. Шунда шох: "Агар давлат расмиятчилиги бўлмаганда эди, ўзим қизиққан ҳар нарсани сўраш учун уйингга ҳар куни келардим. Чунки илм одамларнинг ёнига бормади, одамларнинг ўзи илмга интилади" дейди.

... Гулҳаёнинг суҳбатини эслайман. "Бир куни борсам, Назокат опам дув-дув кўз ёши тўкиб, ўтирибди, - деди у. - "Нима бўлди тинчликми?" деб сўрадим жон ҳолатда. "Э, кеча кичик жиянинг уй ичида копток тегиб, фалон сўмлик "Мадонна"ни синдирди!" деди. Енгил тортиб, жиянимни ахтардим. Кўринмади. Суриштирсам, уни эрталабда-ноқ ҳаммомга қамаб қўйишибди. Агар шу жиянимни қимматбаҳо идишни синдиргани учун эмас, дарсдан ёмон баҳо олиб келгани учун қамаб қўйишганда борми, асло хафа бўлмасдим. Энди эса... Опамни жуда ёмон кўриб кетдим!"

Илмнинг қадр-қимматини яхши билган кишилар асл маънавий фазилатларни барча моддий бойликлардан устун қўяди. Ҳаётни тўғри идрок этади, эртанги кунни зукколик билан таҳлил қилади. Уларнинг жамиятда тутган ўрни, обрў-эътибори шу илмлар тўғрисида. Ҳадиси Шарифда «Илм толибларига табиатдаги ҳар нарса - ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам истиффор айтади!» дейилган. Аждодлардан мерос қолган жамики илмлар гўёки кўзимизга тутилган чироқ, уларни ҳали биздан кейинги авлодлар ҳам тинмай ўрганадилар. Илм хазинасига борадиган йўл икки дунё саодатига эришишининг ҳам ягона йўли эканини англаганлар чинакам янги замон кишиларидир, бу кун. Зеро, Қуръони каримда "Илм -- жаннатга йўл очади!" деб бежиз таъкидланмаган.

Ушбу мулоҳазаларни Гулҳаёнинг оила аъзолари ҳам ўқишларини жуда истардим. Кейин... Кейин эса яна фикрлашамиз.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

ТУШЛАРИМГА НЕЧУН КИРАСАН

Бир аёл умри давомида етти йигитнинг кучига тенг меҳнат қиларкан. Балки бу янглиш тахминлардир. Аёл ўилаб йигитни ҳам орда қолдирар. Чунки яшаидек муқаддас туйғу унда бошқаларга қараганда кучлироқ:

Аёл ўзи, боласи, оиласи, онаси, отаси, Ватани, навараси... учун яшамоғи керак.

Гулноза она ҳам ишхонага ўшалар ташиши билан келади. «Туркистон» газетаси тахририятининг ижодий ходимлари хонасида эса муштарийлар дардига шерик. Муҳарририятнинг топшириқлари, газетхоналар тақлифларини қозғога қоралаш зарур. Иккон топса дил топилмаларини шеър қилиб қозғога битади. Ёшлар газетасида ёшлар билан ҳам-фикр ишлаётган Гулноза Аҳмаджонова яқиндагина 50 ёшини қаршилади. Бутун жамоамиз, муштарийларимиз номидан уларни қутларканмиз, бу ёш сизга чексиз қувонч олиб келин, дея ният қиламиз.



"Туркистон" тахририяти

БАХТ БЎЛУРМИ, ВАТАНСИЗ, ЁРСИЗ?

Ватан боғларингда қолсин изларим, Музларни эритсин эрка нафасим. Қалбимга жўр бўлгин эй менинг созим, Борлиққа таралсин шўх-шўх овозим. Айтинг, тоғ бўларми, виқорсиз, қорсиз? Айтинг бахт бўларми, Ватансиз, ёрсиз?

Ватан, боғларингда унган чечакман, Тикандек санчилсам узилсин жоним. Мунаввар тонгингни қутлайман бугун, Эй менинг мустақил кўҳна Туроним! Айтинг, бахт бўларми, Ватансиз, ёрсиз, Айтинг, дил тўларми эрка дилдорсиз?

Сенинг бўйларингда бахтим яширин, Виқорли тоғларинг гурурдан нишон. Нейматинг иш этган ҳар бир инсоннинг Нечун уйғонмасин қалбида иймон? Айтинг, боғ бўларми, чечаксиз, норсиз, Айтинг, бахт бўларми Ватансиз, ёрсиз?

Турналар қалбимни тебратиб ўтди. Муждалар келтирди еллар баҳордан, Дарахтлар чайқалиб сабони ўпди. Юрагимда қўзғаб бир оташ туйғу.

Қимтиниб, ҳуш келдинг, дедим Турнажон, Шу тоб ҳаёлимдан не-не уй ўтди. Дилимга бир майин оҳанг қуйилиб, Назаримда Зухро ҳам Ҳилолни ўпди.

Қирларни безади яшил майсалар, Кекса бир мўйсафид ялпизни ўпди. Баҳорни соғинган шайдойи булбул, Гулнинг қаршисида аста тиз чўкди.

Борлиққа таратиб муаттар хушбўй, Шаббода қизғалдоқ лабларин ўпди. Рашк қилиб самода қайси бир юлдуз, Қирмиз қадаҳларга кўз ёшин тўкди.

ТУШЛАРИМГА КИРАСАН

Юлдузлардан тақиб ой балдоқ, Адирларда ёнар қизғалдоқ, Қайтиб келар сержило баҳор, Тушларимга қайтиб кирасан.

Новдаларда унади куртак, Муҳаббатдан сўзлайди эртақ. Яна баҳор келади такрор, Тушларимга қайтиб кирасан.

Ишқ куйини қуйлайди булбул, Ял-ял ёниб ёш тўқади гул. Аввалгидек бегубор, масрур, Тушларимга қайтиб кирасан.

Бўй таратар ногаҳон ялпиз, Гунафина бош этган маънос қиз Қон ютади, ҳар баҳор сенсиз, Тушларимга қайтиб кирасан.

Не истайсан гулдан, баҳордан, Ишқ куйида қуйган бу хордан. Ўз жонидан ўзи безордан, Тушларимга қайтиб кирасан.

Тушларимга нечун кирасан?

Гулноза АҲМАДЖОНОВА



(Охири. Аввали ўтган сонларда)

Дамашқ, Миср, Жазира ва Кўния ҳукмдорлари Хоразмшоҳдан хавфсизлашди. Шунинг учун улар Жалолдиннинг ёрдам эмас зарба беришни ўйлашди. Халифа ҳам уларни Жалолдинга қарши қайрамоқда. Мўғуллар эса тобора Озарбайжон ҳудудлари сари яқинлашмоқда эди. Гуржилар маликаси Русудана эса Кутаисида паноҳ топиб янги кучлар йиғмоқдаки, тўқнашув бўлиши мўқаррар. Султондан омад юз ўғирмоқда. Энди отни қамчилаш фурсати етди.

Вазирнинг қўлида қалам қитирлади. У Жазира ҳукмдори ал-Ашраф ва Кўния султони Аловуддин Кайкубодга мактуб ёзмоққа тушди.

— Биз дин йўлида ва халқларимиз осойишталиги учун, Шараф ал-Мулк, шунинг баён қиламизки, биз Жалолдиннинг ҳибсга олиб, уни муносиб жазолаш ва қатл қилишни ўз зиммамизга оламиз. Бу хизмат учун эса ал-Ашраф ва Аловуддин бизга Озарбайжонни топширишларини ва унга ҳукмимизни қонунан тасдиқлашларини илтимос қиламиз.

Шараф ал-Мулк ҳаёл денгизига толди. У фикран ўзини Озарбайжон ҳукмдори сифатида ҳис эта бошлаган эди. Аммо у бу мактуб манзилига етмасданок Хоразмшоҳ қўлига тушишини ҳаёлига келтирмади.

ОҚ ТУЛПОРНИНГ ЎЛИМИ

Хоразмшоҳ иккинчи марта Хилотни қамал қилганида гуржилар Гочи Мухасдэ бошчилигида Тбилисига ҳужум қилиб уни эгаллашди. Султон қамални тўхтатиб, Тбилисига қайта ҳужум бошлади. Шиддатли жанглардан сўнг гуржилар ўз шаҳарларига ўт қўйиб орқага чекинишди.

Жалолдин асир олинган гуржиларни машҳур Сион ибодатхонаси атрофига сафлашни ва бино тепасига оқ тўлпорини олиб чиқишни буюрди.

Бу тўлпор қачонлардир уни Синд дарёсидан эсон-омон олиб чиққан, у билан ҳинд дёридаги жангларда бўлган кадрдон сафдоши эди. Саркарда анчадан бери тўлпорини минмас, фақат астойдил парвариш қиларди.

Лозимлар келтирган от эгасини таниб кишнади. Жалолдин у билан ҳочи олиб ташланган ибодатхона томига кўтарилди.

Шу вақт қутилмаган воқеа юз берди. Қаердандир беркиниб ётган гуржи қасоскори отган ўқ Султонни четлаб тўлпорга санчилди.

Хоразмшоҳ жон бераётган отига қараганча ҳайкалдек қотди. Бу ўқ шафқатсиз тақдир зарбаси эди. Тўлпорнинг ўлими унинг эзгу орзуси ҳеч қачон ушалмаслигидан нишондек туюлди унга.

ДУШМАНЛАР ЧАНГАЛИДА

Хоразмшоҳ 1230 йили учинчи қамалдан сўнг Хилот қалъасини эгаллади. Хиёнаткор вазири билан тил бириктирган Султон Кайкубод қўшинини тор-мор келтирди. Шараф ал-Мулкни қатл этди. Кўния, Миср, Дамашқ, Жазира ҳукмдорларининг бирлашган қўшинига 1231 йили 10 августда унга қарши юриш бошлади.

Араб тўлпорларига минган 30 минг отлик билан Жалолдиннинг саноқлигина лашкари урушишга ожизлик қиларди. Қани энди шу отликлар унга қўшилса-ю мўғуллар томон юриш қилинса. Хоразмшоҳ ана шундай таклифни иттифоқчилар

— Миср, Дамашқ, Кўния ҳукмдорларига етказди. Аммо улар битимни эмас, жангни истади. Мажбуран жангга кирган Жалолдинга ғалаба ёр бўлди. Амид томон чекинди. Аммо худди иттифоқчилар билан келишгандек бу ерда унга мўғуллар қўшини дуч келди. Хоразм лашкари ўз саркардаларини қутқариш учун жанг билан унга йўл очиб беришди. Жалолдин

шитоб ила от чоптириб кетаркан, рўпарасидан унга қарши келаётган икки мўғулни кўрди. Жалолдин камондан ўқ отиб бирини кулатди. Иккинчисини эса қилич билан чопиб ташлади. Орқада жанг борар, у эса ёлғиз от чоптириб кетар эди.

У яна кадрдони оқ тўлпорини эслади. Уни неча-неча душманлар қуршовидан олиб чиққан, не-не мўқаррар ўлимлардан қутқарган вафодорини кўз олдига келтирди. Тагидаги саман от унга ўхшамайдди.

Жалолдин кўққисдан икки тарафдан ўраб олган отликларга рўпара келиб қолди.

Қирқ-эллик кишилиқ отликлар уни қуршовга олишди. Қаршилиқ кўрсатишнинг фойдаси йўқ.

Жалолдин отдан тушди. Ҳа, улар йўлтўсар қароқчилар! Уни ўлдиришга шайланганлар олдига келиб ўзини таништирди. Қароқчилар унинг қимматбаҳо ка-

овқатланиб бўлгач, кўзларига мудроқ кирди. Ўзини негадир ёлғиз, олам ичра танҳо сезди. Қани унинг сеvimли ёри, кадрдон сафдошлари ва содиқ навкарлари!

Ногаҳон кўзларига онаси кўрингандек бўлди. Ҳа, муштипар ва бахти қаро онаси Ойчечак унга хомуш тикилиб турарди.

**Сени кўрмак охири бўлди муяссар
Ўғилгинам, энди мен ўлсам**

Йўқ қадр.

Бу онасининг сўнги сўзлари, ўлим олдидаги фиғони эди. Нега айнан ҳозир бу сўзлар ёдига тушди? Жалолдин қалбидан фарёд отилди:

Азиз она қайдасан, ўлсанг

ҳам тингла,

Қаерда мен тизай қабринга сўйла.

Билдим сенинг қабринг бугун

шу Ватан

Дарё сенинг тобутинг,

кўпиклар кафан.

ҲАМДАМ СОДИҚОВ

Султон Жалолдин Мангуберди

мари, шоҳона либосига қараб ичкиланиб қолишди.

— Мен чиндан ҳам Султонман. Тақдиримни ҳал қилишга шошилманглар.

Қароқчилар сардори унга яқинлашди.

— Чиндан ҳам подшога ўхшайсан.

Жалолдин қаддини мағрур тугиб деди:

— Танла, сардор, икки йўлни. Ё мени Майофорик ҳокими ал-Малик ал-Музаффар Шаҳобиддин Ғозий ҳузурига олиб бориб ундан мукофот ол. Ё бўлмаса мени мамлакатимга олиб бор. Агар юртимга олиб борсанг, амир бўласан.

Сардор ўйланиб қолди. Шериклари билан ўзаро шивирлашиб маслаҳат қилди. Сўнг Жалолдинга деди:

— Отинга ўтир ва орқамдан юр! Сардор билан у бир қишлоққа келишди. Мезбон қандайдир уй эшигини очиб уни ичкарига бошлади.

СЎНГИ КЕЧА

**Айн Дор қишлоғи. 1231 йил.
17 август.**

Бу хонадон Амид Султонига қарашли Айн Дор қишлоғида жойлашган бўлиб, унинг соҳиби қароқчилар сардорининг қариндоши эди.

— Шу жойда тунайсиз, - деди сардор, - мен султон олдига жўнайман.

У уй соҳибаси, соҳибжамол курд аёлига нималарнидир пичирлади.

Жалолдинни меҳмонхонага таклиф қилишди. Аёл унга дастурхон ёзаркан, лабларида ним табасум ўйнади. У афтидан Хоразмшоҳ уйига келганидан гоёт гурурланаётган эди.

Аёл мусаллас тўла кўзача ва пиширилган гўшт келтирди. Меҳмонга шўх нигоҳ ташлаб ташқарига чиқиб кетди. Ҳаётда кўп йозанинларни кўрган Хоразмшоҳ ўзини унга ёққанини пайқайди. Ҳа, аёл бобида унинг омади чопган. Озарбайжон отабеги Ўзбекнинг рафиқаси ҳам уни севиб қолган эди. Отабек Саъднинг қизи Малика ҳам уни чиндилдан севади. Жалолдин

Жалолдин кўз ёшларини тия олмади. Синглиси Хонсултон, шаҳид кетган аёллари, фарзандлари, қуролдош дўстлари ва отасининг маънос чеҳралари жонланди.

Во дари! Нега улар ҳозир кўз олдига келаяпти? Ё паймонаси тўлдими?

Жалолдин кўрпачага ёнбошлаганича ҳаёлан ўтган ўттиз йиллик умрига сарҳисоб бера бошлади. У қанча эзгу, савоб ишлар қилди? Гуноҳлари-чи?

Хоразмшоҳ сифатида, мусулмонлар Султони ва ислом ҳомийси сифатида у қаттол душман мўғуллар билан курашди. Юрти озодлиги учун қон тўкди. Бу йўлда у хатолар ҳам қилди. Тбилиси мусулмон аҳолисига нисбатан у адолатсиз бўлди. Уларнинг ёрдами ва қардошлигини унутиб, уларга зулм ўтказди. Ҳамма вақт ҳам мулоҳаза ва босиқлик билан иш кўрмади. Сиёсат бобида кўп хатоликларга йўл қўйди.

Ташқаридан эшитилган ғалағовур унинг ҳаёлини бўлди. Аёлнинг қичқириғи ва қандайдир эркакнинг дағал товушидан сергак тортиди. Эшик тарақлаб очилди. Кўзлари бежо бир курд остонага қадам босди.

— Сен ҳали Хоразмшоҳмисан? У ҳолда сендан ҳалок бўлган укам учун, ҳа, сенинг аскарларинг ўлдирилган жигарбандим учун ўч оламан!

Жалолдин гапга оғиз жуфтлар-жуфтламай курднинг найзаси кўкрагига санчилди.

Айн Дор қишлоғида мудҳиш қотиллик юз берди. Атойи худо — меҳмон ўлдирилди. Хоразмшоҳ Султон Жалолдин Мангубердининг қони тўкилди.

АБАДИЯТ

Жалолдин Мангубердининг суиқасд қурбони бўлганига ҳеч кимнинг ишонгиси келмади. Довруғи бутун мусулмон дунёсига таралган, қудратли Султон ва ислом ҳомийсининг ўлими барчани ларзага солди. Амид Султонни ал-Малик ал-Музаффар шахсан ўзи Айн Дор қишлоғига ташриф буюрди. У Хоразмшоҳ навкарлари қишлоққа келиб қотилни топишгани ва қатл қилишгани, сўнг ўз ҳукмдорларини

ҳарбий эҳтиром билан қабристонга қўйишганини эшитди. Султоннинг амри билан қабр очилиб жасад олинди. Хоразмшоҳнинг амакиси Ўтурхон жиянининг юзини очиб ўзини йиғидан тўхтата олмади. Сўнг атрофида қараб турган Султон ва унинг аёнларига хитоб қилди:

— Сизлар мени уни ўлими билан табрикляяпсизларми? Бироқ сиз бунинг самарасини йиғасиз. Чунки Аллоҳ номи билан қасам ичаманки, унинг ҳалокати мўғулларнинг ислом ерларини истило қилишларини англатади. Энди биз билан Йажуж ва Маъжуж ўртасида девор бўлиб турган Хоразмшоҳдек бирор кимса йўқ.

Ўтурхоннинг сўзлари чинданам башорат эканлиги исботланди. Мўғуллар ғалалари бирин-кетин Ширвон, Озарбайжон ва Гуржистон ерларини забт қила бошлади. Жалолдиннинг қариндош-уруғлари, лашкарбоши-ю навкарларини ҳукмдорлар ўзларига ёлланма куч сифатида чақириб, улардан фойдаланишга уринишди.

Жалолдиннинг йигитлари амирлари билан Кўния Султони Аловуддин Кайкубод, Миср ҳокими ал-Малик ас-Солиҳ қўшинлари сафида мўғулларга қарши жангларда қатнашди. Улар 1244 йилда Миср ҳокими лашкари зарбдор илғори сифатида Сурия ҳукмдори қўшини билан тўқнашди. Сурия лашкарида ўн минг пиёда ва Европанинг 1500 рицари бўлиб, тажрибали саркардаларга эга эди. Аммо Жалолдин Мангуберди қўлида узоқ йиллар бой жанговар тажриба ҳосил қилган малакали хоразмликлар уларни тор-мор қилишди.

Жаҳон ҳарбий санъати тарихига кирган ва бутун Осиё ҳамда Европада кучли акс-садо берган бу жанг Ғазза яқинидаги Ҳарбийа қишлоғида бўлди. Инглиз золагони Лорд Филипп Монфор, Яффа графи Вальтер Бриенн ва 800 рицар асир олинди. Муаррихнинг ёзишича “Бу буюк бир кун эди. Ислом даврларида ҳатто Салоҳиддин даврида ҳам бундай улуг кун бўлмаган эди”. Тарихчи эслаган Салоҳиддин XI асрнинг донгдор саркардаси бўлиб у Европадан келган салбчиларни тор-мор қилган мусулмон ҳукмдори эди. Мангубердичиларнинг зафарини муаррих Салоҳиддин Султон ғалабаларидан ҳам устун қўйгани бежиз эмас. Жалолдиннинг амакиваччаси Маҳмуд ибн Маҳмуд Султон Кутуз номи остида Миср тахтини эгаллайди. Унинг раҳбарлигидаги лашкар 1260 йил 4 апрелда мўғулларни батамом тор-мор қилиб, уларнинг ҳукмронлигига чек қўйди. Жалолдиннинг амирларидан бўлган Сарухон эса Маниси вилоятини эгаллаб, мустақил давлат барпо қилади. Бу давлат икки юз йилдан зиёд яшаб, 1412 йилгача Сарухон авлодлари, яъни Жалолдин Мангуберди издошлари томонидан идора қилинади.

Сўнги Хоразмшоҳ Султон Жалолдин Мангубердининг номи асрлар давомида неча-неча авлодлар учун жасорат, ватанпарварлик ва фидокорлик рамзи бўлиб келди.

Жалолдин ва унинг издошлари шиорини атоқли ижодкор Мақсуд Шайхзода шундай ифода қилган:

Улуғ давлат тиз чўкмас, ботир

ёлбормас

Чинор синар, эгилмас, бедов от

ҳоримас.

Бу дунёда онасиз туғилган ким бор?

Жон берганга жон бермоқ, мардларга

ларкор.

Онамизнинг онаси бўлса шу Ватан

Кўрлик афзал бу юртин

асир кўрмоқдан.

Ҳа, дунёда донишманднинг сўзи-ю ботирнинг иши қолади абадий.

ВАШИНГТОН. АҚШнинг аъзолик бадали бўйича БМТ олдидаги қарзи 1,3 миллиард долларга етди. Бу БМТга аъзо давлатлар умумий қарзининг учдан икки қисми демакдир. Шу муносабат билан АҚШнинг етти нафар собиқ давлат котиби мамлакат конгресси аъзоларига мактуб йўллаб, мамлакатнинг БМТ олдидаги қарзини тўлашга чақирди. Мактубга АҚШ собиқ давлат котибларидан Генри Киссинжер, Сайрус Вэнс, Александр Хейг, Жорж Шульц, Жеймс Бейкер, Лоуренс Иглбергер ва Уоррен Кристофер имзо чеккан.

НЬЮ-ЙОРК. "Нью-Йорк таймс" газетасининг ёзишича, ҳарбий жиноятларнинг тергов қилиш бўйича халқаро трибунал уч нафар хорват генералини сербларга нисбатан қиргин уюштирилганликда, яъни тинч аҳолини оммавий равишда қатл қилганликда ва артиллериядан ўққа

тутганликда айбламоқда. Айблов яқин ҳафталар ичида расман эълон қилинади. Бу ҳақда халқаро трибунал тергов қўмитаси тайёрлаган маърузада маълум қилинган.

Маърузада таъкидланишича, Хорват армиясининг 1995 йил август ойидаги босқини тўрт кун ичида 100 мингдан ортиқ сербни ўз истиқомат жойларини ташлаб кетишга мажбур қилган. Шунингдек 150 нафар серб миллатига мансуб фуқаролар оммавий равишда қатл қилиниб, юзлаб кишилар бедарак йўқолган.

Айни пайтда халқаро трибунал терговчилари Хорватия Президенти Франьо Тужманнинг мазкур иш юзасидан халқаро қонунлар бўйича жавобгарлиги масаласини кўриб чиқмоқда.

ВИНДХУК. Мозамбикда юз берган кучли сув тошқини натижасида 32 киши ҳалок бўлди. Хабарларга қараганда, мамлакатнинг Иньямбане вилояти айниқса, кўп зарар кўрган. Бу ерда олти кун давомида тинимсиз ёққан ёмғир йиллик ёғингарчилик меъёрининг 70 фоизига тўғри келди.

Мутахассисларнинг айтишича, табиий офатга қарши олдиндан тайёргарлик кўрилмаганда, бу сафар ҳам 1997 йилда юз берган сув тошқини сингари талофат кўп бўлар эди. Шундай бўлса-да, миллий ва маҳаллий аҳамиятга молик кўплаб коммуникация тармоқлари ишдан чиққан. Мамлакатнинг Мапуту, Газа, Софала вилоятларидаги 72 минг гек-

тарлик майдонда ҳосил нобуд бўлган.

ВАРШАВА. Бундан буён Польша ёшлари армияда роппа-роса бир йил хизмат қилади. Мамлакат Сеймининг шу ҳақдаги қонунини Польша миллий мудофаа вазири ўз буйруғи билан расман тасдиқлади.

Шу пайтгача Польшада армия хизматининг муддати бир ярим йил эди. Парламент аъзолари ва ҳарбий қумондонларнинг фикрича, чақириқлар оралиғидаги қисқа муддат армияда янги чақирилганларга нисбатан зўравонликка чек қўйиши мумкин. Лекин қонунга кўра, ҳақиқий хизматга яроқли аскарлар белгиланган ҳарбий хизматни ўтаб қайтгандан сўнг вақти-вақти билан ҳарбий ўқув машғулотларига жалб қилиб турилади. Бу машқлар умумий ҳисобда 9 ой давом этади.



/ЎЗА/

(Давоми. Аввали ўтган сонларда)

Тахмина ўзи учун узоқ вақтлардан бери чинакам байрам бўлишига умид боғлаган бу кеча унинг ҳаётига яна не даҳшатларни олиб киришини ўйлабмиди! Бир вақт Зилоланинг ваҳимали қичқиригидан чўчиб ўйғонди:

- Тахмина опа-а, тезроқ! Тезроқ чиқинг!

Ажал калхати яна Сурайёнинг кўксига келиб қўнди. Бу дафъа у жудаям оғир, қора-қўнғир қанотларини баралла ёйиб, уни бошдан-оёқ қамраб олган, ўткир ва заҳарли тирноқлари билан энди Сурайёнинг бутун вужудини қонталаш қилаётгандек эди.

У энди бу ситамларга, бешафқат азоб ва даҳшатларга бошқа дош беролмайди. Оғриқнинг зўрлигидан кўзлари косасидан отилиб чиқиб кетар даражада ола-кула бўлар, ўқтин-ўқтин ҳаво ололмай хириллар, нафас йўли очилганда эса лабларини зўр бериб қимтиб тишлаганча зор-зор ингради. Зилола унинг бетўхтов қалтираётган қоқсуяк ўнг қўлини тиззаси остига олиб, бир амаллаб иккита укол юборди, бўлмади. У энди аҳвол чатоқлигини сезиб, зудлик билан ойисини ва яна бир қўшни кампирни телефон билан чақиртириб чиқди. Сурайёнинг хуружи тобора оғирлашаётганини кўриб, энг сўнггида Тахминани бедор қилди.

Энди Сурайё ёнида одам борми-йўқми, кимлар ўтирибди - буни мутлақо сезмайди. Унинг кўз олдида фақат ўша ажал калхати, Сурайёни зўр бериб қийнаётган, унинг қонини, жонини беармон сўраётган тигли ва заҳарли калхат.

Шу пайт унинг кўз ўнгиларида ёки хаёлида Тахмина пайдо бўлди. Ёш, гўзал, виқорли Тахмина... У Сурайёга беписанд боққанча аста юриб келди-да, ҳалиги ажал калхатининг бошини силай бошлади. У энди Тахминанинг овозини аниқ эшитди:

- Бу Сурайё, бу Сурайё... Хуршида ўлган, буям ўлсин.

Тахмина шундай дея ортига ўгирилиб, яна кетиб бораркан, Сурайё кўлларини унга томон чўзганча илтижо қилади:

- Тахмина, тўхта! Кетма! Мени ўлдириб қўяди! Мен ўлмайин, ўлмайин!

Тахмина ногоҳ тўхтади, лекин Сурайё томон боқмай, тик туриб қолади. Шу тоб хужра шифти томондан кимнингдир овози янгради:

- Тахмина қайтмайди. Сен уни ўлдиргансан, энди у сени ўлдирди.

- Тахмина тирик, мен уни ўлдирганим йўқ, - зўр бериб ингради Сурайё.

- Айт, айт. Гуноҳингдан фориг бўл, дўзах...

- Тахмина, Тахмина-а! Мени кечир, гуноҳимни кечир-ир!

Тахмина чиндан ҳам Сурайёнинг иккала қўлидан тутганча, уни тинчлантирмоқчи бўлди:

- Ўзингни бос, Сурайё, ўзингни бос. Нима бўлди сенга, қанақа гуноҳ? Нимани кечирайин?

Сурайёнинг қулоғи остида яна ўша овоз:

- Сен ўласан, ўласан. Дўзах,

СОЛИХ ҚАҲҲОР

ДАЙДИ ҚИЗНИНГ ҲАСРАТ КЕЧАСИ...

Иккинчи КИТОБДАН



дўзах...

- Йўқ, йўқ, йў-ўқ!
- Тахмина кечирмайди, кечирмайди...

- Кечир, кечир! Мени кечир, Тахмина-а!

Тахминанинг энди кўнглига гулгула тушди. Сурайёнинг кўлларини шитоб билан силкиб сўради:

- Гапир, гапир! Қайси гуноҳингни кечирайи?

Шунда Сурайё жон талашаётган кўзларини Тахминага қадаганча, ёстиқдан бош кўтармоқчи бўлди. Бош томонда ўтирган аёллар уни елкасидан беозор олишиб, бироз юқори кўтаришди.

- Тахмина, сен кет. Кет бу ердан. Мумтоз, Мумтоз... Аянг... Хуршида минан... бўлган... Мен минан ҳам. Акмал... Мумтоздан!

...Тахмина шундан кейин нималар бўлганини билмайди. У Сурайёнинг хужрасидан не аҳволда чиқди, Оқсаройни не аҳволда тарк этди, шаҳардаги ўз уйига қандай кириб келди-бунисини эслолмайди.

Мана, унут бўлаётган жароҳати қайта янгиланди. У ўз ҳаётида йўл қўйган гуноҳлар қанчалар чўнглиги

энди маълум бўлди. У ўзининг Тошкентга келиб топган хузуур-ҳаловатлари, тотли-нашидали дамлари алдамчи бир сароб эканлигини, уни ҳали аччиқ тақдир имтиҳони тарк этмаганлигини, инсон ўйлаб-ўйламай босиб ўтган ножўя йўллари учун қисмат олдида ҳам, Аллоҳ олдида ҳам жавоб бериши муқаррарлигини илк бор ҳис этди.

Демак... онаси Хуршида шу аччиқ ҳақиқатни англаб етгачгина ўзини ҳам, ўша Доникни ҳам бу ёруғ оламда яшаш ҳуқуқидан маҳрум этганлигини, бу билан у ўз гуноҳларини ювмоқчи ва яккаю ягона бахтиқаро

бек ўртасида энди Мумтоз пайдо бўлганди. - Мен сендан ўч оламан!

Мумтоз Тахминага хунук тиржайганча, масхараомуз боқади, у чиндан ҳам илондек вишиллайди.: - Сен мендан ўч ололмайсан... Мен сени ямлаб ташлайман... Мен аянг Хуршидани ҳам... сени ҳам ўз оғушимга олиб, мазза қилган Мумтозман.

- Йўқ, йў-ў-ў-қ!!! Бас! Етар энди! Мен сендан ўч оламан! ўзингга, молдунёингга, Оқсаройингга ўт қўяман!!!

Тахмина ана шу қатъиятда телбаларча ўрнидан бош кўтарди.

XV

Мумтоз меҳмонлари билан бирга тонготар маишатдан тўғри аэропортга кириб келишди. Алмати самолётининг учишига ҳали бир соатдан ортиқ вақт бор, бироқ билетлар қайдга олинадиган жойда йўловчилар аллақачон тўплана бошлаганди.

Қутбиддиннинг тақлифи билан Оқсаройга телефон қилиб, юкнинг жўнаб кетган-кетмаганлигини билиш ва албатта, Тахмина хонимга яна бир бор миннатдорчилик изҳор қилиб, у билан хайр-хўшлашиб қўймоқчи бўлдилар.

Не ажабки, телефон гўшагини ҳалеганда кўтарадиган одам бўлмади. «Нима бало, ҳаммалари қотиб ухлаб қолишганми?» - асабийлашди Мумтоз. Қайта-қайта уринишлардан сўнггина Зилоланинг овози келди:

- Эшитаман...
- Зилола, сенмисан? Қани бошқалар?

- Бошқалар...
- Юк жўнаб кетдими, йўқми?
- Жўнаб кетишган. Кечаси...

- Намунча чайналасан? Ёки сен ҳам ухлаб ётудингми? Тахмина қани?

- Тахмина опам... шаҳар томонга кетдилар.

- Нима гап, тинчликми?
- Сурайё хола... қазо қилдилар.
- Нима-нима? Сурайё! Қачон!

- Тонготарда. Фабрикадан Ойим ака келиб, уликхонага жўнатворди. Маҳалладагилар ўзимиз кўмамиз, дейишсаям, унамади. Оқсаройдан улик чиқмайди, ўгли келса, ўзи кўмволади деди.

- Бўпти. Тўғри қилипти, - деди у тажанг оҳангда. - ҳозир сен билан ким бор у ерда?

- Қўни-қўшнилardan уч-тўрт киши...

- Одам тўпланмасин. Оқсарой қарвонсарой эмас. Чиқиб кетишсин. Мумтоз акамнинг аччиқлари келади, де.

Мумтознинг юзи бир оз тундлашганини кўриб, меҳмонлар ундан хавотирлик билан нима гаплигини сўрашди.

(Давоми бор)

-- Афсуски, Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги учун ўтказилган дастлабки икки мусобақада иштирок этиш учун кела олмадим, - деди икки марта Олимпия чемпиони, олти марта Жаҳон чемпиони Махарбек Хадарцев. - Лекин ҳозирги мусобақада бизнинг команدامиз иштирок этгандан жуда бахтиёрман.

Ҳозир мен Владикавказда яшаётганман. У ердаги мураккаб вазиятга қарамай, бу ерга ўз юртимга келаётгандек яхши кайфият билан келдим. Ҳаётимнинг энг яхши йиллари шу ерда, Ўзбекистонда ўтган, шу ерда спортчи бўлиб етишганман. Шу босидан Тошкент турнири бир йилдан сўнг "Гран-при" туркумидаги энг нуфузли беш мусобақа қаторига кирганидан фахрланаман.

Мусобақа нихоясига етганидан сўнг, айтишим мумкинки, у мен кўтганимдан зиёда бўлди, турнир иштирокчилари Тошкентнинг энг яхши меҳмонхоналарига жойлаштирилди, уларнинг овқатланиши спор-

КУЧЛИЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкентда кураш бўйича Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги учун учинчи халқаро мусобақа нихоясига етди, унда 17 мамлакатдан 223 полвон иштирок этди.

тнинг кураш тури хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда пухта ўйлаб ташил этилди, мусобақа жадвали эса жуда пухта тузилган. Унда машқ ўтказиш, дам олиш ҳам кўзда тутилган. Халқаро тоифадаги мусобақаларни муносиб даражада ташкил этишга имкон берадиган "Юнусобод" спорт мажмуи халқаро андозаларига мос келиши билан ҳайратга солади.

Тошкент мусобақаси унинг иштирокчилари хотирасида ҳакамларнинг ўта ҳолислиги билан ҳам сақланиб қолади. Чунки мусобақа мезбонларига кўпинча ён босиш одати борлиги сир эмас. Аммо Тошкентда полвонлар маҳоратига қараб баҳо берилди, ҳақиқатан ҳам энг кучли полвонлар голиб деб топилди. Меҳмондўст ва са-

мимий, курашнинг нозик томонларини биладиган ва чинакам маҳоратни баҳолай оладиган тошкентлик томошабинлар тўғрисида гапирмаслик мумкин эмас.

Мен жонажон Тошкентга шу йил май ойида бўладиган Осиё чемпионати, шунингдек, ФИЛА биринчи вице-президенти Михай Биранинг айтишича, 2001 йилда Тошкентда бўладиган Жаҳон чимпионатида келишга яна ҳаракат қиламан.

Тошкент мусобақаси келгуси йилдан бошлаб, мамлакат мусобақасига айланишини эшитиб хурсанд бўлдим. Юнонча-румча курашда бу мусобақада голиб чиққанлар 2000 йилда Сиднейда ўтадиган Олимпия ўйинларида иштирок этишга йўлланма олади.

Жаҳонда ҳар йили полвонларнинг 160 турнири ўтказилади, шу мусобақалар билан рақобатда Тошкент турнири нуфузининг бу қадар тез ортиши, шубҳасиз, Президент Ислам Каримовнинг доимий ғамхўрлиги, Ўзбекистон спорти кураш уюшмаси, эркин кураш федерацияси ва юнонча-румча кураш федерациясида тўпланган истеъдодли кишиларнинг фаолияти билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Мустақиллиги кубоги учун учинчи халқаро мусобақада ўзбекистонлик спортчилар Маис Ибодов, Рамил Исломов, Аслон Санакаев, Аслидин Худойбердиев, Исомжон Кенжаев, Шухрат Саъдиев, Монголиядан Батар Пуирев, Россиядан Велихон Олохвердиев, Андрей Шумилин, Бувайса Сатиев, Грузиядан Элдор Куртанидзе, Георгий Гинечелашвили, Тариев Мелелашвили, Қирғизистондан Уран Калилов, Қозоғистондан Мхитар Манукян, Беларусдан Андрей Батура голиб чиқди.

ЎЗА

БИРДАНИА ОЛТИ НАФАР

Сингапурлик йигирма олти ёшли аёл она бўлди. Бирваракайига бир қиз ва беш нафар ўғилнинг волидаси. Ака-укалар ҳақиқий йигитларга хос иш тутиди: навбатни ёлғиз оналаридан бошлашди. Бахтиёр ота-она болаларига "Д" ҳарфи билан шундай исм қўйишди: Дэйри, Дэйни, Дэвис, Дилан, Дуглас ва Доминик.

1248 АЁЛНИНГ МАЪШУҚИ

Ўзбекистоннинг Санъяхташа шаҳрида яшовчи 96 ёшли Иван Тоймуразовичнинг бу дунёдаги юмушлари тугаётган эди. Умр шами ўчаётган бобо невар ва эвараларини ёнига чорлади. Уларга ... собиқ маъшуқалари жами -- 1248 нафар аёлнинг рўйхатини берди. Унда аёлларнинг ёши, яшаш жойи, эри бор бўлса ҳатто эрининг исми-шарифи битилган эди.

Қариб ҳам маъшуқаларидан кўнгли узолмаган бобо ўзининг дафн маросимига албатта бу аёлларни, (уларнинг айримлари аллақачон вафот этган бўлса-да, ёшигиналари ҳам бор эди), таклиф этишни қариндош-уруғларига васият қилди.


ИККИ БОШЛАШ БУВОҚ

Ульянов вилоятида тўрт ёшли сизгирдан ўлик ҳолда тутилган бувоққа ҳаммани ҳайратга солди. Унинг боши 2 та жами 6 та оёғи, туртга олди томонда, иккитаси қовурғаси ёнида, иккита думи бор эди. Мутахассислар фикрича, Чернобыль атом станцияси портлаганида талофат кўрган бу ҳудуд аҳолиси ўртасида рақ хасталиклари кўпайган, ҳайвонот оламида ҳам бу каби гаройиб воқеалар тез-тез учрамоқда.

ГРИППИ ҲАЁТИНИ САҚЛАДИ

Бу йилги грипп хасталиги оқибатида дунёда жуда кўп одамлар ҳаётдан кўз юмди. Бироқ, у хитойлик тадбиркор Лей Миннинг эса ҳаётини сақлаб қолди. Мин Хитойнинг жанубий-шарқидagi Веньчоу шаҳрига амалий учрашувга бориши зарур эди. Аммо гриппга чалиниб, қаттиқ иситмада алаҳлай бошлагач, сафарга боришдан воз кечиб, чипталарини топширди.

У учолмаган самолёт ҳалокатга учраб, 11 нафар экипаж аъзолари ва 50 нафар йўловчиларнинг барчаси ҳалок бўлди.



ЧАПАҚАЙЛАР ДУКОНИ

Берлинда чапақайлар... дукони бор. Унча катта бўлмаган хонада чап қўли ўнг қўлига нисбатан яхши ривожланган кишилар учун зарур ҳисобланган 150 дан зиёд буюмлар сотиларкан. Масалан харидоригир маҳсулотлардан бири -- қалам очғич ўнг томонга эмас, чап томонга буралади. Оддийгина ўқувчилар дафтарининг чизиқлари ҳам одатдагидай чапдан эмас, ўнг томондан бошланади.

Чапақай ўқувчиларни ўнг томондан ёзишга ўргатиб овора бўлмаслик керак, дейди мутахассислар. Бунда бола миясининг тегишли қисми зўриқади. Бу эса болаларнинг тили тугилиб гапириши ёки руҳиятининг салбий жиҳатдан ўзгаришига сабаб бўлиши мумкин.

САЙЁРАМИЗ ОҚСОҚОЛИ

Котманду қироллигида ўтган асрда дунёга келган Чаудхари исмли қария яқинда 141 ёшга тўлибди. У оддийгина қишлоқда яшайди. Умрида бирор марта ҳам радио эшитмаган, телевизор кўрмаган, ҳатто электр нималигини ҳам билмайдди. Узоқ йиллик ҳаётида бир мартагина қишлоғини тарк этган. Бундан 80 йил муқаддам Ҳиндистонга зиёратга борган.

Чаудхариининг ўзи узоқ умр кўришининг сирини ёшидан берилмаган тамаки чекиши ва алкоғолли ичимликлар истеъмол қилмаслигида бўлса керак деб ҳисоблайди. У асосан узум, майиз, гуруч, сабзавотлар ейди ва булоқ суви ичди.

Қариянинг 16 невараси, 5 эвараси ва авараси бор. Унинг ягона орзуси 150 ёшга етиш!

ОВОЗИНИМIZ РАҚАМ ШЕРАДИ

Исроилнинг "Нечорал спич комьюнекейшн" компанияси оғзаки кўрсатма билан ишлайдиган қурилма яратди. Агарда бировга қўнғирок қилмоқчи бўлсангиз, телефон аппарати хотира-сига ёзиб қўйилган сизга зарур кишининг телефон рақамлари ёки исми-шарифини айтсангиз бас, бир зумда хоҳлаган одамнингиз билан гаплашасиз. Яхудийлар яратган бу технологияни қўл телефонигагина эмас, балки оддий алоқа қурилмасига ҳам улаш мумкин.

Хориж матбуотидан

Тошкент Алоқа коллежида шу йилнинг 1 апрель кундан бошлаб тайёрлов курслари ўз фаолиятини бошлайди

Курсларга 9- ва 11-синф маълумотларига эга бўлган тингловчилар қабул қилинади. Машғулотлар математика, она тили ва адабиёт дарслари бўйича ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Усмон Юсуфов кўчаси, 70-уй.

Қўшимча маълумотларни 41-42-33 рақамли телефон орқали олишингиз мумкин.

КОЛЛЕЖ МАЪМУРИЯТИ

ҚАДРАИ ШЕЪРИЯТ ИХЛОСМАНДАРИ

«Туркистон» тахририяти қошида фаолият кўрсатаётган «ШЕЪРИЯТ САБОҚЛАРИ» мактабининг навбатдаги машғулоти 25 март пайшанба куни соат 16.00 да бошланади. Унда сиз тенгқурларингиз ижодларидан баҳраманд бўлиш билан бирга, устоз шoirларнинг маслаҳатлари ва назм таҳлили хусусидаги фикрларини тинглайсиз.

Даврамиз барча муҳлислар учун очик!

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 5-қават, 508-хона.

«Туркистон» газетаси тахририяти

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ**

**Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ**
Навбатчи муҳаррир
Гулнора ХОЛБЕКОВА

ТАХРИРИЯТ:
Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-56-58
Хатлар бўлими — 133-79-69

МАНЗИЛИМИЗ:
70003 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Тахририятта юборилган материаллар қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаназаридан фарқланishi мумкин.